

СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ-БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Хатамов Алишер Фархадович
ТДИУ тадқиқотчиси

Маълумки, республикамизда солиқ тизимидаги ислохотлар асосан янги мазмундаги қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва уларни иқтисодиётнинг ҳозирги босқичидаги мазмунига мос ҳолда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бу борада 2019 йилда янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги, 2018 йил 26 июндаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3802-сонли, 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4555-сонли, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш соҳасида ҳамда солиқ маъмурчилигининг самарадорлиги ошириш масаласи бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилиши биргаликда солиқ сиёсатининг мазмунини ҳам ўзгартиришга олиб келди.

Ҳар қандай сиёсат ўз чегараси бўлганлиги сабабли солиқ сиёсати ҳам маълум бир чегараларига эга бўлади. Аммо, солиқ сиёсатида иқтисодий муносабатлардан ташқари социал, психологик, маданий ҳатто ташқи муносабатларни қамараб оладик, бу солиқ сиёсатининг бошқа ички ва ташқи сиёсатларининг ўзаро чамбарчас тарзда мавжуд бўлишини кўрсатади. Солиқ сиёсатининг социал сиёсат билан боғлиқлиги шундаки, аҳолининг кам таъминланган ва кам даромадга эга бўлган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга солиқ имтиёзларини қўллаш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархига солиқ ставкалари орқали таъсир қилиш ногиронлар ва ёш мутахассисларни ишга қабул қилишда имтиёзларни қўллаш, иш ўринларни яратиш ва шу каби жараёнлар социал сиёсатнинг мазмунини ташкил этиб, бунда солиқ тизими билан ўзаро боғлиқликда бўлади.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молия муносабатларидан келиб чиқади ва унга хизмат қилади. Қолаверса у иқтисодиётни

барқарорлаштириш ва ривожлантиришга, молия муносабатларини бошқаришга таъсир кўрсатади. Солиқ сиёсати молия сиёсатининг бошқа таркибий қисмлари билан жуда боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади. Солиқ сиёсати бюджет сиёсати билан биргаликда кўпинча бюджет-солиқ сиёсати ҳам деб юритилади. Шу билан биргаликда солиқ сиёсати фискал сиёсат билан ўзаро фарқли хусусиятларга ҳам эга бўлади. Солиқ сиёсати бундан ташқари монетар сиёсат билан ҳам ўзаро таъсирда бўлади. Чунки, солиқ сиёсати ишлаб чиқиладиганда инфляция даражаси, пул агрегатларининг ҳажми ва ҳаракатига солиқларнинг таъсири, корхоналарнинг инвестицион сиёсатини қўллаб-қувватлашда кредит ресурсларидан фойдаланиш каби масалалар албатта солиқ сиёсати билан ҳам боғлиқ бўлади.

Агар давлат миллий даромаднинг бюджетга жалб қилинадиган қисмини оширадиган бўлса, у ишлаб чиқариш соҳасидаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳолатига, у ердаги инвестицион жараёнга таъсири қилиши билан биргаликда монетар, фискал ва бюджет сиёсатига ҳам таъсир қилади. Солиқ сиёсати ҳақида сўз юритар эканмиз, биз унинг ниҳоятда кўп қиррали ва мураккаб категория эканлигини алоҳида таъкидлашимиз керак. Ҳозирги кунга қадар солиқ сиёсати тушунчаси борасида ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, ғарб иқтисодчилари С.Фишер, Р.Дорнбуш ва Р.Шмалензиларнинг фикрича, солиқ сиёсати мустақил тушунча ҳисобланмайди. Улар солиқ сиёсати тушунчасига фискаль сиёсат тушунчаси орқали ёндошадилар. Фискал сиёсат эса давлатнинг ўз даромадлари ва харажатлари бўйича қарор қабул қилиши бўлиб ҳисобланади²⁶⁷, - деб таъкидлашади.

Ҳар қайси давлат сиёсати таркибий жиҳатдан стратегик ва тактик йўналишларга эга бўлади. Сиёсатнинг стратегияси ва тактикасининг мазмуни аввало фаолият(жараён)нинг характери ва давлат тузилишига асосланган ҳолда уни бошқарув механизмларининг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Агар, давлат федератив давлат бўладиган бўлса, солиқларни жорий этиш ва ундириш сиёсатига ҳам шунга мувофиқ бўлади, ўз навбатида унитар давлатларда эса бюджет ва солиқ тизими ўзига хос бўлади. Шунингдек, солиқ сиёсати солиқларнинг хусусиятларидан ҳам келиб чиқади. Солиқлар табиатан ўзгарувчан ва мослашувчан характерда амал қилиши унинг стратегияси ва тактикасининг ўзгарувчан бўлишига ҳам таъсир қилади. Шу билан биргаликда солиқ стратегияси ички тузилиши ва моҳиятига кўра доимий ва ўзгарувчан шаклларда бўлади.

Амалий таҳлиллар доирасида бугунги кунда Ўзбекистоннинг солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари кўриб чиқадиган бўлсак, у барқарор иқтисодий ўсиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилганлигини кўриш мумкин:

Биринчи йўналиш бу аҳоли ва тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар бериш, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва инвестицион муҳитни

²⁶⁷ Жўраев А., Сафаров Ф. Солиқ назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Iqtisod-moliya”, 2005. 48-бет.

яхшилашга йўнатирилган бўлиб, унда 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар ишга қабул қилинган камбағал оила аъзолари (иш ҳақи камида 1,7 млн сўмни ташкил қилганда) учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида белгиланганлиги, 2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 сентябрга қадар тадбиркорлар томонидан касбга ўргатиш учун ишга қабул қилинган мактаб, коллеж ва техникум ўқувчиларига даромад солиғи ҳамда уларнинг ойлик иш ҳақига ҳисобланган ижтимоий солиқ 1 фоиз миқдорида белгиланганлиги, 2029 йил 1 январга қадар нашриёт-матбаа фаолиятдан олинган даромадлар (солиқ даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 90 фоизини ташкил этган) фойда солиғини тўлашдан озод этилиши ҳисобига бу йўналишдаги тадбиркорлар ихтиёрида яъни, Нашриёт ва матбаа корхоналари ихтиёрида 600,0 млрд сўм маблағлар қолиши мумкинлиги ва уларнинг молиявий ресурслари ошишини кўриш мумкин.

Иккинчи йўналиш эса, бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, бунинг амалиёти сифатида айланмадан олинадиган солиқнинг қатъий белгиланган ставкаси товар айланмаси 500 млн сўмгача бўлганда йилига 30 млн сўм (амалда 25 млн сўм), 500 млн сўмдан юқори бўлганда – 40 млн сўм (амалда 34 млн сўм) миқдорида белгиланиши, 2025 йил 1 январдан бошлаб янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар учун ер солиғи бўйича имтиёзни бекор қилган ҳолда, солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилиши, Сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда 0,5 дан 0,7 гача камайтирувчи коэффицентлар қўлланилиши, жами йиллик даромади 100 млн сўмгача бўлган якка тадбиркорнинг ходимларига даромад солиғи ўрнига якка тадбиркорларга белгиланган қатъий даромад солиғининг 50 фоизини тўлаш ҳуқуқи берилиши, 2025 йил 1 январдан бошлаб йил давомида солиқ ва божхона имтиёзларини бериш ва бекор қилиш ёки бошқа ажратмалар ставкаларини камайтириш ва оширишни назарда тутувчи нормаларни кейинги йилдан бошлаб амалга киритиш тартиби ўрнатилишида кўриш мумкин.

Солиқ сиёсатининг *учинчи йўналиши* очик мулоқотдаги белгиланган вазифалар ижросига қаратилган бўлиб, бунинг натижасида 2025 йил 1 январдан мулк ҳуқуқи асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини ва давлат мол-мулкани реализация қилиш бўйича айланмадан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш бекор қилиниши ва бунинг натижасида тадбиркорлар ихтиёрида 250 млрд маблағлар қолиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлашга мўлжалланган бино ва иншоотлар жойлашган ерларга ер солиғини ҳисоблаш ноқишлоқ ерлар учун белгиланган ставкага 0,2 коэффицент қўллаган ҳолда амалга оширилиши белгиланиши натижасида эса, фермерлар ихтиёрида 135 млрд сўм маблағлар қолиши ва шу каби йўналишларда солиқ тўловчи тадбиркорларни қўллаб-қувватланганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Бундан ташқари солиқ сиёсатининг бошқа йўналишларда солиқ тўловчиларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётда барқарорликни таъминлаш ва унинг даражаси ошириш йўналишида бюджет ташкилотлари томонидан халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳалари доирасида сотиб олинган товар хизматлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинганлиги, бунда инфратузилма лойиҳаларига нималар киришига аниқлик киритилиб, фақат электр, газ ва иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва канализация, сув хўжалиги, йўл-транспорт инфратузилмаси, алоқа ва телекоммуникация, агрологистика, санитария жиҳатдан тозалаш, қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш лойиҳалари доирасида сотиб олинган товар (хизматлар)га 2028 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши белгилаб қўйилди ва мазкур имтиёз лойиҳа иштирокчиларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши белгилаб берилганлиги натижасида 3 трлн сўм маблағлар аҳоли ва тадбиркорлар ихтиёрида қолинаётганлигини эътироф этиш мумкин.

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, солиқ сиёсатининг юқорида қайд этиб ўтилган йўналишлари мамлакатимизда тадбиркорликка янада эркинликлар бериш ҳамда уларнинг ривожланиши ҳисобига солиқ тушумларини кўпайишига хизмат қилиши шубҳасиздир. Шу билан биргаликда бизнинг фикримизча миллий солиқ сиёсатимизда қуйидаги йўналишларга ҳам устуворлик бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, солиқ базасини тўғри шакллантиришда ва адолатли солиққа тортишни амалга ошириш учун давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ташқи манбалар бўйича маълумот узатувчи органлар (масалан, ер, сув, ер ости бойликлари ва шу кабилар) билан ўзаро интеграцион алоқаларни кучайтиришга хизмат қилувчи дастурий маҳсулларни такомиллаштириш лозим бўлади, чунки бугунги ҳолат солиқ объектини тўғри аниқлаш имконини бермаяпти.

Иккинчидан, солиқ тўловчилар бўйича солиқ хавфини аниқлаш доирасида қўлланилаётган ахборот-технологиялари тизими ва унда қўлланилаётган мезонлар солиқ тўловчилар доирасидаги солиқ хавфи ёки уларнинг солиқдан қочиш ҳолатларини аниқлашга етарли имкони бермайди, шу боисдан бунда рақамлаштириш жараёнларининг аниқ бизнес қурилмаларини такомиллаштириш лозим бўлади.

Учинчидан, ҳозирги кунда фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларини Давлат реестридан чиқариш учун ВМнинг 21.08.2019 йилдаги 704-сонли Қарорига асосан солиқ органлари томонидан якуний солиқ аудити ўтказиш белгиланган бўлиб, текширучи ходимлар бир вақтнинг ўзида бир нечта хизмат сафарларида бўлиб якуний солиқ аудитлари охириги ўринда қолиб кетаётганлиги ҳолатлари аниқланмоқда.

Шу боисдан, товар айланмаси амалга оширмаган ва банк ҳисоб-рақами очмаган тадбиркор субъектларини банк ва бошқа ташкилотлардан маълумот олган ҳолда соддалаштирилган тартибда тугатиш, даъво муддати охири 3 йил эканлиги инобатга олиб, солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар, туман (шаҳар) Ҳоқимининг биринчи ўринбосари бошчилигида ишчи гурруҳ ҳулосасига асосан тегишли ҳудудлараро Иқтисодий судга даъво аризаси киритиш орқали корхоналарни давлат реестридан чиқариш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2025 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ-1011-сон), “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5214-сонли фармойиши

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ПҚ-3756-сонли қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли фармони.

5. Ш.Мирзиёев. Биз буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: Ўзбекистон, 425 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. –104 б.

7. Черник Д.Г. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.-311с.

8. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд.,перераб. И доп. М. : ИНФРА-М, 2002, 570 с.

9. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли/ Монография.-Т.: Фан ва технология, 2008.-204 б.